



2017-й.г. «24» март № 645-Б Самарқанд т.-р. Самарқанд

**Фуқаро Рустамов Фарходга тумандаги Даштакиболо кишлоқ фуқаролар йиғини Гулобод маҳалласи ҳудудидан тиббий хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомасини инобатга олиб, танлов ҳолиби Рустамов Фарход туман ҳокими билан тузилган танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартномасини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Танловга қўйилган 12-сон ер майдонининг ҳолиби фуқаро Рустамов Фарход бўлганлиги сабабли тумандаги Даштакиболо кишлоқ фуқаролар йиғини Гулобод маҳалласи ҳудудидан тиббий хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун 1500,0 кв.м. кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га, туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев)га, “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини (З.Давронов)ларига тасдиқланган бош режа асосида танлов ҳолибига ер майдонларини ўлчаб бериш, туман ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ер ўлчаб бериш далолатномасини туман ҳокимлигига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер тузиши ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов)га ушбу танлов ҳолибига ер майдонига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилиши ва туман давлат солиқ инспекциясига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.